

ЖАЛҶ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1998 йил 21 январь чоршанба

Сотувда эркин нархда № 15 (1796)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАҲЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

САМИМИЙ ТАБРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов жаноби олийларига

Our family wishes you and yours a beautiful holiday season filled with the warmth of friends and loved ones, and with the promise of a happy new year.

Бизнинг оиламиз Сизга ва оилангизга ушбу ажайиб байрам дўстларингиз ҳамда яқинларингизнинг ҳарорати билан йўғрилишини тилайди.

Саодатли Янги йил истаклари билан

Билл КЛИНТОН

Хиллари Родэм КЛИНТОН

Bill Clinton *Hillary Rodham Clinton*

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

Фарғонада вилоят фаолларининг халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва маърифат муассасаларининг мамлакат тараққийнинг ҳозирги босқичидagi долзарб вазифалари ва муаммоларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Отабев бошқарди. Йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислол Каримов раҳнаомлигида жамият тараққийнинг барча соҳаларида, айниқса, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маърифий жабҳаларда салмоқли ишлар амалга оширишнинг таъминини таъминлашнинг асосий йўли ҳисобланадиганини таъкидладилар. Мамлакатимизда неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадриятларимиз қадр топмоқда, буюк бобокалонла-

ана шу ғоят муҳим иш ҳамма жойда ҳам замон талаблари асосида олиб борилаётипти, деб бўлмайди. Бу эса ёшларнинг таълим-тарбияси билан бевосита шуғуланувчи ўқув муассасалари, шунингдек, жамоат ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Давлат аҳамиятига молик бу масалада ҳеч қандай расмиётчиликка, хўжакурсинга ҳисобот бериш билан чекланиш ҳолига йўл қўйиб бўлмайди. Бу ишга мутасаддилар юксак ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиб, амалий ишларнинг самардорлигини оширишлари зарур.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизқўжаев сўзга чиқди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

Туркўрғон туманидаги «Оқсарон-ТТ» «хусусдорлик жамияти жамояси» гинамат кушлардан ушумли фойдаланиб, қишлоқ хўжалик машиналарини қўлданги мавсумга тайёралида алоҳида жон-боллак кўрсатмоқда. Суратда: илгор сазовоши Қадимжон Раҳимов иш пайтида.

Т. ХАМРОҚҲЛ оғлан сурат.

ПОЙТАХТ ВИЛОЯТИ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

Тошкент тумани ҳокимлигида пойтахт вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда давлатимиз раҳбари Ислол Каримов Олий Мажлиси ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган вазифалар асосида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришини жасалаштириш масалалари муҳокама этилди. Уни вилоят ҳокими Э. Рўзиев бошқарди.

Йиғилишда ўтган йили sanoat ва деҳқончилик маҳсулотлари ҳажми бир мунча осани қайд этилди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қимматли қозғолар савдоси бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Айни пайтда мавжуд барча имкониятлардан тулқил фойдаланилмади. Агросаноат мажмуида талайгина муаммолар ҳал этилмади. Уруғчилик ва деҳқончилик агротехникасига қатъий амал қилинаётганини натижада кейинги икки йил мобайнида давлатта пахта сотиш режаси уддаланмади.

Шунингдек, йиғилишда ерни ҳақиқий эгасига бериш, унинг талон-торж қилинишига қатъий чек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Қурилиш, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари, макронотиқсодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов сўзга чиқди.



ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ХИТОЙДА НАШР ЭТИЛДИ

Давлатимиз раҳбари Ислол Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағисида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийёт кафолатлари» китоби ҳаёдон жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис йўлбўшимнинг ҳозирги кўнда ҳаёдон юз бераётган мураккаб муаммоларга ўз муносабати, мустакил нуқтаи назари илмий асосда баён этилган баъри асари кўпгина хорийий тилларга таржима қилинди.

Яқинда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида туғган муносиби ўрни, мавқеи, улғу вазифаларни амалга оширишга қаратилган тараққийёт йўли акс эттирилган бу китоб Хитойнинг «Халқаро маданият» Давлат нашриёти томонидан босмадан чиқарилиди. Бу эса Хитой жамоатчилигини истиқлол туғайди мустакил ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида юз бераётган тарихий ўзгаришлар билан янада яқинроқ таништириши-

да муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳаёдон ҳамжамияти янги аср бўсағисида дуч келаятган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ечимига бағишланган маъзур асарда баён этилган теран ғоя ва ҳулосалар хитойлик сиёсий арбоблар, олимлар, иқтисодчиларга республикамизнинг бу масалаларни ҳал этишдаги сати-ҳаракатлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

(ЎзА)

Ўтмиш сабоқлари

Эсимдан чиқмайди: 70-йилларда бирон-бир сабаб бўлиб Ботаника боғи — Бўзсув томонларга ўтиб қолсақ, отам мана шу ерларда бизнинг боғимиз бўларди, деб қўярди. Менинг, нима бўлиб боғ йўқ бўлиб кетган, деган саволимга, у киши 30-йилларда қолдирган қўшиб юборилган, дердилар. Маълум бўлишича, уша йилларда шўро ҳуқумати у пайтда шаҳар чеккаси ҳисобланган Бўзсув атрофларидаги бир гектарлик боғимизни тортиб олган экан. Тортиб олган экан, дейишимизга сабаб, эвазига ҳеч вақо бермаган. Пул ҳам, ҳужжат ҳам. Отамларнинг айтишларича, раҳматлик бувилари, қолдирган бўлишича тиллари келишмаган бўлса керак, «калхат жувармаг бўлсин, еримни олиб қўйди, уйи қўйсин», дея қақшаб-қақшаб йиғилган эканлар. Албатта, бу бало биргина бизнинг хонадонга эмас, минг-минглаб одамлар бошига ёғилгани тарихий ҳақиқатдир.

Шу маънода 1925 йил октябр ойида Москвада бўлиб ўтган ВКП(б)нинг XIV съезди диққатни тортиб қўймайди. Унда қабул қилинган қарорлардан бири қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қуришни жадалаштиришни вазифа қилиб қўйган. Бошқача айтганда, ер эгаларидан асрлар давомида меросий бўлиб келган мулкни тортиб олиб, улар асосида жамоа хўжаликларининг, яъни қолдирган негизини яратиш мақсади олга суртилган. Маъзур сиебат қизил Москва учун қамлада икки жиҳатдан ўта муҳим бўлган.

Биринчидан, йўқсиллар ҳокимияти учун нўхонда хавфли саналган мулкдорларга қақшатқич зарба берилса, иккинчидан, ҳеч нарсаи йўқларга ер бериш, аслада эса ушбу шўро баҳонасида шўро ҳуқумати ихтиёрида бўлган ерга жамоалар шаклида боғлаб қўйиш орқали янги тузумнинг қишлоқдаги ижтимоий негизи яратилар эди. Хуллас, марказ вазифини аниқ қўйган, уни бажариш эса жойлардаги етакчи кўшлар — коммунистларга боғлиқ

эди. ВКП(б) қарорларини ҳаётта тағби этиш узасидан 1925 йилнинг ноябрида қақрилган Ўзбекистон Компартиясининг II курултойи қабул қилган қарорларининг бирида шундай дейилди: «Ер-сув ислохотининг мазмуни моҳият эътибори билан қишлоқлардаги феодал муносабатлар сарқитларини тамомила бартараф қилишга қаратиландир». Кўриниб турганидек, қишлоқда мустақкам ўрнашиб олиш учун компартия ер-сув ислохоти ниқоби остида мулкдорлар ерини тортиб олишни режалаштирган.

Шу ўринда бир масалага эътиборни тортсақ. Архив ҳужжатларига кўра, тилга олганига ўтказилган арафасида 2 гектаргача ери бўлган деҳқонларнинг улўш-Зарафшон вилоятида 74,7, Зарафшон вилоятида 54,3, Самарқанд вилоятида эса 42,4 фоиизи ташкил қилган. «Совет» тарихиунослонида улар «кам ерлик, камбағал деҳқонлар» дейиш олат бўлган. «Ўрта ҳол» деҳқонларнинг 3-10 гектар ер майдони бўлгани тўғрисида маълумотлар бор. Маъзур кўрсаткичдан ортиқ ер майдонига эса деҳқонлар «майда бойлар», 30-50 гектар ери бўлганлар эса «йирик бойлар» тамгасини олганлариди. Умуман ери бўлган деҳқонларнинг улўши Фарғонада 3,4, Тошкент вилоятида 12,5, Зарафшон вилоятида 2 фоиизи ташкил этган. Шу ерда бир савола ташласанк: 2 гектар ери бўлган деҳқонни қамбағал деса бўладими? Яна бу ҳисобга уларнинг боғлари, узумзорлари, кўрғонлари киритилмаган, фақат сўғориладиган ер майдони назарда тутилган. Демак, коммунистик ҳокимиятнинг деҳқонларга нисбатан олиб борган қолдирлаш сиебати ўз натижасига кўра деҳқонларнинг барчасини қақшақлаштириб қўйган. Бунинг ҳеч бир

КАЛХАТ

Ўхуд «қолдирлаштириш» сиебատининг моҳияти ҳақида

ажабланарли томони йўқ. Зеро, шўро ҳуқуматининг ер тўғрисидаги сиебатида ерга бўлган эгаллик ҳуқуқи бекор қилиниб, деҳқончилик учун яроқли барча ер майдонлари Ер ишлари халқ комиссарлиги, яъни ҳуқумат ихтиёрига топширилиши керак эди.

Тўғри, кишилардан меросий мулкларини тортиб олиш коммунистларга осон бўлмаган. Шунинг учун улар ҳам усталик ва ташвиқ-қот, зуравонлик ва жазо йўллари билан мақсад сари ҳаракат қилганлар. Масалан, аввал бошда «ис-

моқим яшамайдиган, бироқ бу жойларда ери, мол-ҳоли бўлиб, фақат чорикорлар меҳнатидан фойдаланидиган шахслар мулкни бутунлай, мол-ҳоли билан қўшиб тортиб олиш режалаштирилганди. Адолатсизлик шу даражада бўлганки, агар ҳатто қишлоқда яшаб, ўз ерида экин қилса-ю, лекин деҳқончиликдан ташқари қўшимча тарзда савдогарчилик ва «меҳнатсиз» пул топиш билан шуғулланса, уларни ҳам ердан маҳрум этиш вазифаси қатъий қўйилганди. Хўш, натижа нима билан туғайди?

Ўзбекистон партия ташкили ВКП(б) МК нинг юксак баҳосини олиш. Бу баҳо унга «қишлоқчилик советлаштириш ва ерни давлат ихтиёрига олишни мустақкамлаш» борасидаги хизматлари учун берилган эди. Миллатчи, унингмағари эриши? 1937 йилга келиб республикадаги бутун экин майдонларининг 99,4 фоиизи жамоа хўжаликлари (қолдирлар), яъни давлат ихтиёрига ўтганди. Очинини айтсақ, бундай вазифани амалда Чор Россияси ҳам эғлаий олмаганди.

Қолдирлаштириш сиебати ўзбек халқининг қанча фоиизи жонига завоаб бўлгани тўғрисида тулик ва аниқ маълумотлар, афсуски, ҳозирча ихтиёримизда йўқ. Бироқ миллилатимиз кўрган талафотларини биз билвосита йўллар билан тасаввур қилишимиз мумкин. Масалан, биргина Каттақўрғон туманига фақат 1929 йилнинг ўзида Фарғона водийси, Сурхондарё, Қорақалпоғистон ва бошқа ерлардан 40 миндан 80 мингча бўлган 40 миндан ортиқ «қулоқлар» ҳайдаб келтирилган маълум. Умуман ҳисобда ўшакўзлари туманида 100 минг «қулоқ» тўпланган ва улардан 50 минг нафар етиб ташланган. Яна бир даълига суяналиган бўлсақ, 1929-1933 йиллар ичнда қизил империя бўйича саккиз млн. киши қатолган ва очликдан ҳалок бўлган. Уларнинг таркибиде ўзбеклар сая-

моғи қам бўлмагани, шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистон даладарига, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, совет тузumi тақдирини ҳал қилганидан омилилардан бири мул жассамлашганди. Бу — пахта омилли. — Қизил Россиянинг пахта мустаққилиги омилли. 1917-1928 йилларда Москва пахтага бўлган эҳтиёжининг 40 фоиизини хорий хомашеси билан таъминлашга мажбур бўлиб, ҳар йили шу мақсадда 100 млн. олтин рубль харж қиларди. Бу ўша давр учун жуда катта маблағ.

Бундан ташқари, большевиклар ижтимоий тавничи бўлиши метрополини йўқсилларини (пролетариатини) иш билан таъминлашга ҳам пахтанинг хомаше сифатидаги ўрни катта эди. Аммо большевикларнинг қишлоқдаги ижтимоий тавничи бўлиши назарда тутилган қолдирлар Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларига тегишли бўлган экин майдонларининг атиги 13,5 фоиизини эгаллагандилар. Уларнинг аксариятида, ҳар бир қолдирга ўртача 52,6 гектар ер бор эли, холос. 1929 йил 1 октябрий кўрсаткичларига суянсақ, қолдирлар умуман деҳқон хўжаликларининг 3,4 фоиизини ташкил қилгани маълум бўлади. Шунингдек, 1928 йили пахта далаларининг 1,9 фоиизини қолдирларга тегишли эди. Ўлкадаги пахтачилик соҳасидаги «социалистик сектор» салмоғи 6,4 фоиизи ташкил қилган.

Бир сўз билан айтганда, советлаштириш қишлоқдаги мавқеи бу пайтларда ҳали зайф эди. Ана шу «нуқсон»ни бартараф этиш ҳамда бир йўлда пахта мустаққиллигини таъминлаш учун партия вазифани аниқ ва қатъий қўйган: 1932-1933 йилларда пахта далаларининг 81 фоиизи қолдирлар, 14,9 фоиизи соҳворлар ихтиёрида бўлиши лозим, 1931-1932 йилларда пахтачиликдаги «социалистик сектор» ҳиссаси деярли 83 фоиизга олиб чиқилиши зарур эди. Бунга фақат зуравонлик йўли билан, деҳқонларни хонавайрон қилиш, етиштирган маҳсулотларини тортиб олиш, қишлоқ ва шаҳарда суғийи равишда очарчилик туғдириш ва унда «қулоқ» (Давоми 2-бетда).

МИЛЛАТЧИЛИК ШИРА

СЕРИАНБА ХАБАРЛАРИ

БАЛЛИ!

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

— **Навоий шаҳридаги «Электротехма» ҳиссдорлик жамияти бозор иқтисодиётига ўтиш даврида оғир қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. — деб ёзади жамоатчи мухбиримиз П. Жўмаев. — Фойдаланилмай ётган имкониятларни ишга солиш, бозор талаблари даражасида ишни ташкил этишга иттилий самара бера болади. Корхона қаддини ростлаб бораёпти. Ҳиссдорлик жамияти Германиянинг «Байер» фирмаси билан ҳамкорликда ветеринария препаратлари ва шприцлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуришга аҳднома қилган эди. Қўшма корхона 10 хил турдаги препарат ва ветеринария шприцлари ишлаб чиқаради. Бу вилоятга эмас, бутун республикамиз ветеринария-даволаш ишларини зарур препаратлар ва шприцлар билан таъминлаш имконини беради.**

Янги йилдан бошлаб олмончилик ҳамкорлар қўшма корхона учун асбоб-ускуналарини жўната болади.

ХУШ ХАБАР

ТОҒ ТУМАНИДА

яшайётганлар кўп иқтисодий қийинчиликларга рубару бўлади. Хар қадамда қўшимча маблағ сарфлаш лозим. Қўриаботда асосан дамикор ерларда деҳқончилик қилинади. Газ меҳнат қилинса-да, натижаси об-ҳавога боғлиқ. Бу тоғлик туманда иқтисодий яхшилашнинг бошқа имкониятлари борми?

— Бор-да. Бўлганда ҳам жуда катта миқдорда даромад қилиш имконияти бор экан, — деб ёзади мухбиримиз Гули Чехра. — Мармар, гранит, олтин конлари бос чек эл инвесторларининг бу туманга «назарини» тушади. Австралианин «Вестер-Майнинг» корпорацияси билан ҳамкорликда катта ишлар қилиш режалаштирилди. Мармар ва гранит кесадиган иккита завод қуриб, фойдаланишга топширилди. Италия технологияси бўйича ишлайдиган бу завод қурилиши учун ҳомиж ҳам, инвестор ҳам бор. Россия билан ҳамкорликда қуриладиган бу корхонага асосий миқдор — Россиянинг ўзи. Агар заводлар ишга туширилса, бир йилда 6-7 миллион доллар даромад олинар экан. Қўриаботликларнинг «чўнтаси» долларга тўлаидиганга ўхшайди.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

ХИЗМАТИ ЧАЛА, ҲАҚИ БУТУН

— **Ўтган йил киши масмуида уйимиздаги иштин тармоқлари яхши ишламади. — деб ёзади Андижон шаҳрининг 3-кичи туманидаги 9-йўлда истиқомат қилувчи 38-хонадон соҳиб ва соҳибалари.**

— Қиш бўйи саз ва электр иситиш жиҳозларидан фойдаланиб ўй иситилми. Бунинг эса ўзига хоё муаммоли томонлари кўп. Тегишли ташкилотларга бу ҳақда гап-раворит чарчиди. Боз устига, қуурулардан бор-йўғи 4-5 ой иситиш суё келади. Шунга қарамай, биздан бутун йил учун ҳақ тўлашни талаб қилишмоқда. Исситиш суё имкониятларидан ярим-ёрти фойдалансазу нуллини тўлиқ тўласақ, шунақаси ҳам бўладими? Хизмат чала-ю, ҳақи бутуними?

КРИМИНАЛ

ШУМИХИННИНГ ШУМЛИГИ ЎТМАДИ

Валерий Шумихин жуда пухта иш қилди: ВА3-2109 машинаси безбовакига алоҳида кутубка пайвандлади-да, унга ўн бир килограмм сиеҳворлик моддаси жойлаштирди. Кейин душанбалик ҳамроҳи Шамсулло Холовага мактанди:

— Энди бун Шерлок Холмс ҳам тополмайди. Аммо сариносиелик бошқоначилар Шерлок Холмдан ҳам устуруроқ экан. Душанбеда Оренбургга йўл олган бу икки шововзининг шумлигини ошкор этишиди. Хуллас, Шумихиннинг шумлиги қимматга тушиди. Сурхондарё вилоят суди Шумихинни 18 йилга, Холовини 17 йилга «кесди».

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

«Совет миллири»ни ЖУШҚИН кузатди.

“АЛПОМИШ” ДОСТОНИНИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

АЛПОМИШ ЮРТГА ҚАЙТДИ

Истиқлол туғайли олис аж-долларимиз ижодий даҳосининг бетакрор бадий ёдгорликларидан бири - “Алпомиш” достони яна ўзимизга қайтди. Президентимиз мамлакатимизнинг муштариф ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониши, миллий гуруҳ ва ўз-ўзини англаш рамзига айланган ушбу қаҳрамонлик эпоси яратилганлигининг минг йиллигини келаси йили кенг миқёсда нишонлаш тўғрисидаги қарорга имзо чекди.

Халқимизнинг бой фольклор меросини авайлаб-асраш ва аллоҳларга тўла етказиши руҳи билан сугорилган мазкур ҳужжатда ЮНЕСКО иштирокида ўтказилган юбилей тадбирларининг аниқ дастури белгилаб берилди. Унда, хусусан, 1999 йилнинг октябр ойида Тошкентда “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзусида халқаро конференция ва Сурхондарё вилоятида тантанали байрам тадбирлари муҳим ўрин эгаллади. Достон ва умуман халқ ижоди намуналари асосида театр спектакллари, адабий-бадний композициялар яратилиши, етакчи музейлар-

да этнографик кўргазмалар ташкил этилиши бу мавзунини янада тўлдирди. Келаси йилдан бошлаб Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта фольклор асарлари иштирокчиларининг мамлакат кўрик-танлови ва халқаро фестивали ўтказилиши, энг яхши ижодкорлар асарларининг ёзиб олиниши, улар ҳақида теле ва видеофильмлар яратилиши беш баҳши ва оқинларнинг етиштириб чиқишига хизмат қилади. Термиз ва Бойсун шаҳарларида барпо этиладиган “Алпомиш” боғлари уларнинг ижодий беллашуви масканларига айланди.

Юбилей йилида “Алпомиш” достони тўла нашрининг ўзбек ва рус тилларида чоп этилиши фольклор ижоди мухлисарига аjoyиб тўхфа бўлади. Достоннинг академик нашрини амалда ошириш ва хорижий тилларда чоп этиш, юз йиллик “Ўзбек фольклори ёдгорликлари” тўла нашрининг нашрига тайёрлаш ва 2001 йилдан бошлаб уни чоп этишга киришиши мамлакатимизда халқ ижодини гуллаб-яшнаши борасида қилинаётган гамхўрликнинг яна бир ёрқин далили бўлади. Бу нашр тарихимизда илк бор амалга оширилаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

римиш шеърый ижодий тафаккурининг беқийёс кучини акс эттирган бу достонлар сақланаётган илм даргоҳларининг архив хоналарига шўро замонида қўлф урилди. Бинобарин, эркесварлик гоҳлари баланд пардаларда қуйилган достон ҳукмрон мафкура намояндаларига ёқмас эди. Шунинг учун асар тегиштинча ўрганилмади ва халқ ундан тўла баҳраманд этилмади.


Муштарифлик туғайлигина тилимиз, дилимиз, динимизга урилган кишанлар каби бу қулфлар ҳам улоқтириб ташланди. Қадим Турон замин халқлари қаҳрамонлиги ва бунёдкорлиги тимсоли бўлмиш Алпомиш учқур Бойчибориде севгилиси Барчин билан бирга тоғ дараларини гўмбурлатиб ўз юртига қайтди. Энди улар жонажон элида ўз ибрати билан аҳда вафодор, халққа садоқатли, юртга муҳаббатли, алп келбати жасур ёшларни камол топтиришга хизмат қилади. Зеро, достонда қуйилганидек:

Эл йигити аап бўлур,
Юртга очик қалб бўлур.
Ёқуб ИБРОХИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

МОЛИЯВИЙ ТАНГЛИКДАН БОШЛАНГАН МУАММОЛАР

Индонезия ҳукумати мамлакатда кечаётган молиявий тангликни бартараф қилиш мақсадида Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) билан битим имзолади. Индонезия битим доирасида бир қанча жиддий мажбуриятларни ўз зиммасига олди. ХВЖнинг фармоиш берувчи директори Мишел Камдессю берган баёнотга қараганда, ҳукумат миллий валютанинг қадросизлини бораётганига қарамай, инфляцияни кўрсаткичининг 20 фоиздан ортиб кетишига йўл қўймаслиги ҳамда 1998-99 йилги бюджет танқислигини ялпи ички маҳсулотнинг 1 фоизидан оширмай туриши керак. Индонезия Марказий банкига эса муштариф равишда пул-кредит сибёсатини юрйтиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, маблагларни тежаш мақсадида мамлакат инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган 12 та йирик лойиҳа устидаги ишлар тўхтатилди.



ПРЕЗИДЕНТ ДАВВАТИ

Нью-Йорк шаҳрида кам даромад топидиган кишилар ҳамда аёлларнинг иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда АҚШ Президенти Билл Клинтон сўзга чиқиб, ишисизликка барҳам бериш ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларнинг имкон қадар камайтириш зарур эканини таъкидлади. Б. Клинтон ўз маърузасида бир қатор иқтисодий, хусусан, махсус иқтисодий тараққиёт худуди мактебини олган шаҳарлар сонини кўпайтириш, кам таъминланган оилаларнинг уй сотиб олиши ёки уй-жой куриши учун бериладиган қарзларнинг шартларини янада енгилаштириш каби тақлифларни ўртага ташлаган.

БЮДЖЕТ ТАНҚИСЛИГИДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИ

Колумбия ҳукумати бюджет танқислигини бартараф этиш мақсадида давлат хизматчилари ва маҳкамаларига кетадиган сарф-харажатларни кескин камайтиришга қарор қилди. Ушбу чорани қўллаш натижасида шу йилнинг ўзида 100 миллион АҚШ доллари тежаб қолинади. Яқин кунларда аксарият идора раҳбарлари ишга ўзининг шахсий автомашинасида қатнай бошлайди. Хизмат машинаси фақат мамлакат президенти ҳамда унинг котиб ва маслаҳатчилари, вазишлар, муштариф бошқарувга эга бўлган муассаса бошлиқларигагина берилди. Бундан буён, давлат маблагини тантана ва совғалар сотиб олишга сарфлаш ҳам қатъиян ман қилинади. Раҳбар ходимлар ташриф қоғозлари, табрик ҳамда тақлифномалар учун ўз ҳисобидан буюртма бериши лозим.

ҲАҚСИЗЛИК БОР ЖОЙДА НОРОЗИЛИК БОР

Хитойнинг Шанси вилоятига қарашли Датун шаҳрида минерал хомашё қазиб олишга ихтисослашган корхона хизматчилари 4 ойдан буён маош олмагани учун норозилик намоиши ўтказди. Иш ташлаш қўмитаси билан бўлиб ўтган музокаралардан сўнг корхона раҳбарияти ишчиларнинг барча талабларини яқин кунларда бажаришга ваъда берди. Маълумки, ўтган йилнинг охири ва жорий йилнинг бошида Хитойнинг бошқа бир қанча, хусусан, Суйнине, Ляньгун, Хэфэе, Ибине, Цзингун шаҳарларида ҳам иш ташлашлар бўлиб ўтган эди.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ТАНЛОВГА

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан бирга буюк муҳоддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан олломо ҳаёти ва фаолиятига бағишланган сахна асарлари учун очик танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

Муаллиф ўз асарида Имом ал-Бухорийнинг ибратли каломларини йиғишдаги саъй-ҳаракатлари, чеккан заҳматлари, ҳар бир ҳадисни далиллар билан исботлашдаги нодир истеъдоди, замондошлари орасида тутган алоҳида ўрни, одамзотни поклик дунёси сари довват этувчи маҳорати ва муслимлар арзини тинглашдаги одиллик фазилатларини намоён этмоғи зарур.

Танлов мuddати: 1998 йилнинг май ойигача.

Танлов мукофотлари:

Битта биринчи ўрин — 200 (икки юз) минг сўм.
Битта иккинчи ўрин — 150 (бир юз эллик) минг сўм.
Битта учинчи ўрин — 100 (юз) минг сўм.

Танловга тавсия қилинадиган сахна асарининг давомийлиги икки соат атрофида бўлиб, матни 50-60 саҳифадан ошмаслиги керак.

Танловга бир ёки бир неча муаллиф ҳамкорликда яратган асарлари билан ҳам иштирок этишлари мумкин.

Асар қўлёзмалари таҳлил қилинмайди ва қайтарилмасдир.
Асарлар 3 нусxada қуйидаги манзилга йўлланди:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси-30.
Маданият ишлари вазирлиги.
Тел: 144-63-73, 144-63-63.

Танлов ҳаёти.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Фарғона вилоят ҳокимлиги қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан буюк олим ҳаёти ва ижодий фаолияти акс этган сахна асарларига очик танлов эълон қилади.

Танлов шартлари:

Муаллиф яратган драма асарида Аҳмад ал-Фарғонийнинг серкирра ижод йўли, илмий фаолияти, ўз ватанига садоқати, жаҳон олимларининг унга берган баҳоси ўз аксини топмоғи лозим.

Танлов мuddати: 1998 йилнинг май ойигача.

Қолиблар қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

Битта биринчи ўрин: 200 (икки юз) минг сўм.
Битта иккинчи ўрин: 150 (бир юз эллик) минг сўм.
Битта учинчи ўрин: 100 (юз) минг сўм.

Танловга тавсия қилинадиган сахна асарининг давомийлиги икки соат атрофида бўлиб, матни 50-60 саҳифадан ошмаслиги керак.

Танловга бир ёки бир неча муаллиф биргаликда яратган асарлари билан қатнашишлари мумкин.
Асар қўлёзмалари таҳлил қилинмайди ва қайтарилмасдир.
Асарлар 3 нусxada қуйидаги манзилга йўлланди:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси-30.
Маданият ишлари вазирлиги.
Тел: 144-63-73, 144-63-63.

Танлов ҳаёти.

МАРҲАМАТ!



«Шу гўзал деб ёққанмиди қор?» А. РИСКИБЕВ (ЎЗА) сурат-лаваҳаси.

АҚШ -Ўзбекистон инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилиқ мукофоти

Дастур АҚШ Ахборот агентлигининг моддий ҳомиyliги остида, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва АҚШ ахборот хизмати (ЮСИС, Тошкент) қўмағида Таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти (АКСЕЛС) томонидан ўтказилади.

Ўзбекистон урта мактаблари инглиз тили ва америкашунослик фанлари ўқитувчилари “АҚШ-Ўзбекистон инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилиқ мукофоти” дастурида иштирок этишга тавлиф этиладилар. 50га яқин 2-босишчи тоғлиблари икки юз АҚШ доллари қийматида берилган рўйхатдан ўқув ва малака ошириш материалларини танлов олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ҳар бир тоғлиб мактаб ҳам икки минг АҚШ доллари қийматида исероис, компьютер ва шу каби жиҳозлар билан таъдирланадилар. Мукофотлар нақд пулда бериладилар. 2-босишчи тоғлиблари орасидан 10га яқин уқумийлий танлов тоғлиблари аниқланадилар ва улар 1998 йилнинг ёзида АҚШда ўтказиладиган олти ҳафталик малака ошириш семинарида иштирок этидилар.

Дастурга мувожаат этиш

Қуйида қўрсатилган мезонларга янаов берувчи урта мактаб инглиз тили ва америкашунослик фанлари ўқитувчилари мувожаатномаларини тўдирилган ҳолда АКСЕЛС ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхоналаридан бирга топширишлари мумкин. Барча мувожаатномалар махсус ташкил этилган маҳаллий танлов қўмитасида жуғиятланади ва таълим мутахассисларидан ташкил топган гуруҳлар томонидан кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади. Регионал танлов қўмиталари аъзолари Ўзбекистон бўйлаб танланадилар.

Баҳолаш қоидалари

Регионал танлов қўмиталари, суҳбат гуруҳлари барча номзодларни қуйида келтирилган мезонларга асосан баҳолайдилар:

- 1. Номзоднинг инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитиш қобилияти.
- 2. Инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда янгилик кирита билиш қобилияти.
- 3. Хилма-хиллик ва плорализмдан хабардорлик ва уни қўллаш билиш.
- 4. Каеб маҳорати.
- 5. Етангчилик қобилияти.

Мезонлар

Қуйидаги мезонларга жаавоб берувчи барча инглиз тили ва америкашунослик фанлари ўқитувчилари дастурда иштирок этишлари мумкин:
- Ўзбекистон фуқароси;
- яқин пайтда Ўзбекистондаги урта мактабларнинг бирда дарс бераётган;
- иш фаолияти 3 йилдан кам бўлмаган;
- Ўзбекистондаги урта мактабларнинг бирда 1998-99 ва 1999-2000 ўқув йилларида иш фаолиятини давом эттиришни режалаштирибтган;
- охириги 5 йил ичида АҚШ давлати томонидан бошқа грант олмаган;
- олий маълумотли шахслар.

Баҳолаш жаряида номзодлар ёши эътиборга олинмайди. Номзодлар Ўзбекистоннинг барча ижтимоий қатламларидан бўлишлари мумкин. Улар ирри, миллати, инисин, ёши ёни ижтимоий тутган урига кўра камситилмайдилар. Номзодлар Ўзбекистоннинг барча худудларида бўлишлари мумкин. Улар ўз мактабларининг халқаро алоқалар уриатиш имкониятлари бўйича эмис, балки ўз қобилиятларига асосан баҳоланадилар.

АҚШдаги ўқитувчилар

Ююрида айтиб ўтилган танлов таркида тоғлиб деб топилган АҚШлик ўқитувчилар 1998 йилнинг октябрида тахминан 2 ҳафтага Ўзбекистондаги тоғлиблар мактабларига ташриф буюрадилар.

Мувожаатномаларини топшириш муuddати

Мувожаатномалар АКСЕЛС ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонасида 1998 йил 12 февралга қадар қабул қилинади. Ўзбекистонда ўтказиладиган дастур тўғрисида тўлақон маълумот олиш учун АКСЕЛС ташкилотининг ваколатхоналаридан бирга мувожаат қилиш мумкин:
АКСЕЛС
Лоҳутий кўчаси, 16-А уй
7-қават, 718-хона.
Тошкент 700015, Ўзбекистон
Тел.: (3712) 55 12 71
e-mail: aceels@actr.bcc.com.uz

АКСЕЛС Наманган бўлими

Маҳраб кўчаси, 4-уй, 4-қават
Наманган 710000, Ўзбекистон
Тел.: (36922) 6 27 50
e-mail: aceels@actram.bcc.com.uz

АКСЕЛС Самарқанд бўлими

Университет кўчаси,
Ўзбек филологияси бўлими, 11-хона
Самарқанд 703000, Ўзбекистон
Тел.: (3662) 35 02 74
e-mail: aceels@actsam.bcc.com.uz

АКСЕЛС Бухоро бўлими

Эмоми Нар кўчаси, 2-уй
Бухоро 705018, Ўзбекистон
Тел.: (3652) 24 22 46
e-mail: aceels@bukhara.silk.org

АҚШ-Ўзбекистон инглиз тили ва америкашунослик фанларини ўқитишда аълочилиқ мукофоти дастури учун маблаг АҚШ Ахборот Агентлиги қошидаги Таълим ва Маданий Ишлар бўйича Бюро томонидан ажратилган.

Янги китоблар «МАЪНАВИЯТ ГУЛТОҶИ» «Ўқитувчи» нашриёти Бухорои шарифнинг 2500 йиллиги, Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишлаб шоир ва таржимон Олимжон Бўриевнинг «Маънавият гултожи» китобини нашр этиди. Унда «Имом ал-Бухорий»нинг ибратли ҳаёти тасвирланган шеърый қиссалар ва ҳадислар тақлими берилган. Китобдаги асарлар маънавий меросимиз саҳифаларини тўлдирибди-на қолмай, ёшларга одоб-ахлоқ илминини ўргатади, уларни ватанпарварликка ундайди. Китоб зарварига «Одобнома» дарсларида фойдаланиш мумкинлиги қайд этилган. СЕР ПАРЖАНТА ФАРМА МИШТЕД ТРИЦАТЬ ПЛЮС Бардам ва тетик бўлишингиз учун Шаҳар дорихоналаридан сўраг. 800000 ГСП, Тошкент шаҳри, Магбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нарбаччи муҳаррир — И. Худобер. Нарбаччи — Т. Абдурахмонов. Муасаддих — Ш. Машираббев. «Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмақхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади: 22.00 1 2 3 4 5 6

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосқуд УСМОНОВ МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазишлар Маҳқамаси

БўЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Ҳуқуқ ва қонунилик 136-07-94; Иқтисодийёт 136-36-65; Қишлоқ ҳувилиги 136-37-85; Маданият 136-35-60, 132-10-65; Халқлар 136-29-89, 133-07-48; Фил. туризм, спорт ва ҳарбий аманпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Қотибиёт 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0903, 33.805 нусxada босилиди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмақхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилади: 22.00 1 2 3 4 5 6